

## **ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА УЧИНЧИ ШАХСЛАР ИШТИРОКИННИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Иброхимова Мухаббат Маликовна

Судьялар олий мактаби тингловчиси

### **Аннотация:**

Мазкур мақолада учинчи шахслар тушунчаси, турлари ва уларнинг процессуал ҳолати ёритилган бўлиб, учинчи шахсларнинг ҳар бир тури бўйича ўзига хос хусусиятлари миллий қонунчилик асосида таҳлил қилинган ҳолда назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ҳамда низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг процессдаги иштироки ва ҳуқуқий ҳолати илмий жиҳатлари ёритилган. Шу билан бирга, мазкур соҳага оид назариётчи олимлар, тажрибали амалиётчи ходимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** учинчи шахс, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, ҳуқуқ лаёқати, регресс даъвогар, регресс жавобгар, тарафлар, даъвогар, жавобгар, процесс иштирокчилари.

## **ПРОЦЕДУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ УЧАСТИЯ ТРЕТЬИХ ЛИЦ В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ**

Иброхимова Мухаббат Маликовна

Студент Высшей школы судей

### **Аннотация:**

В данной статье раскрыто понятие третьих лиц, их виды и их процессуальный статус, а также теоретически и практически на основе национального законодательства проанализированы особенности каждого вида третьих лиц. Также освещены научные аспекты участия в процессе и правовое положение третьих лиц, предъявляющих самостоятельные требования к предмету спора, и третьих лиц, не предъявляющих самостоятельных требований к предмету спора. При этом были проанализированы мнения и мнения учёных-теоретиков, опытных практиков в данной области.

**Ключевые слова:** третье лицо, третьи лица, предъявляющие самостоятельные требования к предмету спора, третьи лица, не предъявляющие самостоятельных требований к предмету спора, правоспособность, регрессный истец, регрессный ответчик, стороны, истец, ответчик, участники в разбирательстве.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида давлат манфаатлари эмас, шахс манфаатлари биринчи ўринга қўйилмоқда ва бу тўғрисида турли хил халқаро ташкилотлар томонидан шартномалар имзоланмоқда. Буларнинг барчаси инсон ҳуқуқларини тўлақонли амалга оширилиши ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилган. Шу жумладан мамлакатимизда фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича тегишли амалий чоралар қўрилмоқда.

Маълумки, фуқаролик суд ишларини юритиш тартиби Фуқаролик процессуал кодекси асосида амалга оширилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар судда ўзининг ҳуқуки ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг, прокурорнинг ҳамда агар давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлсалар, уларнинг берган аризалари бўйича қўзғатилган ишлар натижасида юзага келади. Процессда яна шундай шахслар ҳам борки, улар бошқа шахслар томонидан бошланган жараёнга кириб келадилар ва фуқаролик ҳуқуқий низоларнинг ҳал этилишидан тарафлар каби манфаатдор бўладилар. Даъвогар ва жавобгарга нисбатан ушбу шахслар (хисоб бўйича) учинчи шахслар деб эътироф этилади ва шунинг учун ҳам ушбу шахслар фуқаролик процессида учинчи деб номланади [1].

Учинчи шахслар фуқаролик процессида бошқа шахслар (томонидан) даъвоси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишида ўз ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар [2].

Фуқаролик процессида иштирок этувчи учинчи шахслар ишнинг ҳал этилишидан қандай мазмунда манфаатдор эканликлари ҳамда иш юзасидан чиқариладиган ҳал қилув қарори билан қандай оқибатлар юзага келишига қараб, қўйидаги икки турга ажратилади:

- 1) Низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар;



2) Низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар [3].

Шу муносабат билан учинчи шахсларнинг фуқаролик процессидаги иштирокини таҳлил қилишда уларнинг ҳар бир тури бўйича қўйида алоҳида алоҳида ажратган ҳолда таҳлил қиласиз.

## **1. Низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар**

Фуқаролик процессуал кодексининг 48-моддасига асосан, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунинг қадар ишга киришиши мумкин. Улар даъвогарнинг барча хукуқларидан фойдаланади ва унинг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Агар низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ишга суд муҳокамаси бошланганидан сўнг киришган бўлса, ишни кўриш бошидан бошланади.

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларга нисбатан юридик адабиётларда кўплаб таърифлар ишлаб чиқилган [4].

Хусусан, М.К.Треушниковнинг фикрича, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар деганда, бошланган процессда даъвогарга ҳамда жавобгарга нисбатан даъво қўзғатиб кириб келган шахслар тушунилади. М.С.Шакаряннинг фикрича, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар даъвогар ва жавобгар ўртасида юз берган процессда ўзининг низонинг предметига мустақил ҳуқуқини ҳимоя қилиб иштирок этувчи шахс ҳисобланади [5]. Ш.Ш.Шораҳметовнинг фикрича эса, даъвогар билан жавобгар ўртасидаги низонинг предмети ўзига тегишли бўлиши тўғрисида арз қилувчи шахс мустақил даъво қилувчи учинчи шахс ҳисобланади [6]. Бундан кўринадики, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларга берилган таърифлар барча олимлар томонидан деярли бир хил таъриф берилган.

Бизнинг фикримизча, даъвогар томонидан бошланган ишнинг натижаларидан манфаатдор бўлган ва шу ишга суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар киришадиган ҳамда даъвогарнинг барча хукуқларидан



фойдаланадиган шахс низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар деб аталади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 48-моддасига асосан, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар ишга киришиши мумкин. Улар даъвогарнинг барча хуқуқларидан фойдаланади ва унинг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Агар низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ишга суд муҳокамаси бошланганидан сўнг киришган бўлса, ишни кўриш бошидан бошланади.

Демак, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс даъвогар билан teng хуқуқларга яъни “билдирилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, қўшимча талаблар тақдим этишга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёхуд камайтиришга, улардан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли” [7] бўлиб, суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар ишга киришиши мумкин. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс билан даъвогарнинг иккита фарқли томони мавжуд бўлиб, биринчидан, фуқаролик суд ишини бошлашда даъвогар бошлаган ишда ўзининг хуқуқлари борлиги сабабли иштирок этса, иккинчидан бошланган процессга киришиш вақти билан фарқланади.

Учинчи шахслар даъво тақдим этишнинг барча талабларига риоя қилиш лозим бўлади. ФПКнинг 188-190-моддаларига биноан судда ишлар ёзма шаклда, шу жумладан почта орқали ёки электрон ҳужжат тарзида ариза бериш йўли билан кўзғатилади. Ушбу шахслар ўз аризасига тегишли ҳужжатларни илова қилиши, аризани тарафларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан бериши, агар давлат божини тўлашдан озод этилмаган бўлса, тегишли божни тўлаши лозим бўлади [8]. Кўринадики, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс даъвогар билан бир хил хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда процессадаги бошқа шахсларга нисбатан хуқуқий оқибат келтириб чиқаради. Жумладан, ФПКнинг 48-моддаси иккинчи қисмига кўра, агар низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ишга суд муҳокамаси бошланганидан сўнг киришган бўлса, ишни кўриш бошидан бошланади.

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, қонунчиликда низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар бошланган



ишга киришиши ва даъвогарнинг барча ҳукуқларидан фойдаланиши мумкинлиги белгиланган. Бироқ, учинчи шахс процессда айнан қайси тарафга (даъвогар ёки жавобгар) нисбатан даъво қўзғатиши мумкинлиги аниқ кўрсатилмаган.

Учинчи шахс даъвони фақат бир тарафга нисбатан ёки бир вақтнинг ўзида ҳар икки тарафга нисбатан ҳам тақдим этиши мумкин. Суд амалиётида учинчи шахслар кўпроқ даъвони ҳар иккала шахсга қаратиши ва ушбу шахслар учинчи шахсга нисбатан шерик жавобгар ҳолатини эгаллашлари каби ҳолатлар кузатилади [9]. Айниқса, кўпроқ оиласидаги низолар тўғрисидаги ишларда бундай ҳолатлар кўпроқ кузатилади.

Масалан, эр-хотин ўртасидаги умумий биргалиқдаги мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ишларни кўришда низо предмети ҳисобланган мол-мулкка нисбатан эр-хотиннинг бошқа оила аъзолари ҳар икки тарафга ҳам қарши ҳисобланади.

Шу билан бирга, оталикка эътиroz билдириш тўғрисидаги ишларда ҳам даъвогар фарзанди унинг боласи эмаслигини билдириши ва боланинг онаси ҳам буни тан олган ҳолатларда бошқа учинчи шахс, яъни боланинг ҳақиқий отаси ишга киришиши мумкин бўлиб, ҳар икки тарафга нисбатан қарши бўлиши мумкин.

Юридик адабиётларда учинчи шахслар фақат тарафлардан бирига нисбатан даъво тақдим этиши мумкинлиги ҳақида фикрлар илгари сурилади [10]. М.С.Шакаряннинг фикрича, учинчи шахсларнинг даъволари кўпинча дастлабки даъвогарга ёки айрим ҳолларда фақат жавобгарга нисбатан тақдим этилади [11]. М.Мамасидиковнинг фикрича, учинчи шахслар даъвони бир вақтнинг ўзида ҳар иккала тарафга ҳам қаратиши мумкин [12].

Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича эса, процессда учинчи шахс ариза берувчи ёки даъвогар бўлиб ҳисобланиши, дастлабки тарафлар эса унга нисбатан жавобгар сифатида кўрилишини таъкидлаган [13].

Бизнинг фикримизча, учинчи шахслар процессда даъвогарнинг барча ҳукуқларидан фойдаланган ҳолда тарафлардан бирининг талабларига ёки ҳар икки тарафнинг манфаатларига қарши даъво киритиши мумкин дейишимиз мумкин.

Ишга учинчи шахснинг киришиши ҳақидаги масалани ҳал қилар экан, судья бу ҳақда ажрим қабул қиласи. ФПКнинг 400-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, процессда учинчи шахснинг иштирок этишига йўл қўйилиши тўғрисида судьянинг чиқарган ажрими ишнинг кейинги ҳаракатларига



тўсқинлик қилмаганлиги учун унинг устидан шикоят қилинмайди. Учинчи шахснинг ишда иштирок этиши тўғрисидаги илтимосини рад қилиш тўғрисидаги ажрим устидан эса шикоят берилиш ёки протест келтирилиши мумкин [14].

Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 400-моддасига асосан, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, хуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар биринчи инстанция судининг ажримлари устидан суд томонидан ажрим топширилган ёки юборилган кундан эътиборан йигирма кун ичida апелляция инстанцияси судига қуйидаги ҳолларда суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят қилиши ва проқурор протест келтириши мумкин:

- 1) ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда;
- 2) суднинг ажрими ишнинг кейинги харакатланишига тўсқинлик қиладиган ҳолларда.

Биринчи инстанция судининг бошқа ажримлари устидан хусусий шикоят (протест) берилмайди, бироқ бундай ажримларга қарши эътиrozлар апелляция шикоятига (протестига) киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 25 октябрдаги 19-сонли “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ажримлари тўғрисида”ги қарори [15] нинг 16-бандига кўра, биринчи инстанция судининг хусусан, учинчи шахслар ва вакилларнинг процесста кириши тўғрисидаги ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят қилинмайди.

Ишда иштирок этишга йўл қўйилмаган учинчи шахс алоҳида даъво тақдим этиш йўли билан низоли предметга нисбатан бўлган хуқуқини ҳимоя қилишга ҳақли бўлади. Низо предметига нисбатан мустақил талаблари бўлмаган учинчи шахслардан фарқли равишда қуйидаги ўзига хос маҳсус хусусиятларга эга бўлади:

биринчидан, низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар даъвогар томонидан илгари сурилган предметга нисбатан мустақил даъво қиласди;

иккинчидан, низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар процесста даъво аризаси бериш йўли билан киришади. Айтиб ўтилганидек, бу турдаги учинчи шахсни ўз ихтиёрига қарши процесста жалб қилиш мумкин эмас;



учинчидан, низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар доимо бошланган процессга суд ҳал қилув қарори чиқаргунга қадар киришади. Учинчи шахслар амалда процессга ишни судда кўришга тайёрлаш босқичидан бошлаб суд ҳал қилув қарори чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхона) киргунига қадар киришиши мумкин;

тўртинчидан, низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар низоли предметга тўлиқ ёки қисман даъво қилишлари мумкин;

бешинчидан, учинчи шахс манфаати ҳар иккала тарафга қарши бўлиши мумкин.

Ушбу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар учинчи шахс даъвогар томонидан бошланган процесс ҳақида хабардор бўлмай, бу ҳақда суд ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин хабар топадиган бўлса, у ҳолда мазкур шахс умумий асосда судга даъво ариза билан мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Мазкур процессда учинчи шахс даъвогар мақомига эга бўлса, жавобгар сифатида эса олдинги процессда иштирок этган даъвогар ва жавобгарлар эътироф этилади [16].

Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 3-моддасига асосан, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли.

Мазкур модда талабларидан келиб чиқкан ҳолда суднинг ҳал қилув қарори қабул қилингандан сўнг хабар топган учинчи шахслар умумий тартибга судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин.

Шу билан бирга, фуқаролик процессида биргалиқда иштирок этувчи шахслар ҳам мавжуд бўлиб, белгиланган тартибда иштирок этадилар ва муайян бир ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 45-моддасига кўра, даъво бир нечта даъвогар томонидан биргалиқда ёки бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилиши (процессда биргалиқда иштирок этиш) мумкин. Процессда биргалиқда иштирок этишга алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича ҳам йўл қўйилади.

Процессда биргалиқда иштирок этишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади, агар:



- низо предмети бир нечта даъвогарнинг ёки жавобгарнинг умумий ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари бўлса;
- бир нечта даъвогарнинг ёки жавобгарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари битта асосга эга бўлса;
- низо предмети бир турдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлардан иборат бўлса.

Даъвогарлар ва жавобгарлардан ҳар бири бошқа тарафга нисбатан процессда мустақил равишда иштирок этади. Учинчи шахслар ҳам процессда биргаликда иштирок этишлари мумкин.

Процессда биргаликда иштирок этувчиликар ишни олиб боришни шерик иштирокчилардан бирига топшириши мумкин.

Суд низолашилаётган ҳуқуқий муносабатнинг хусусиятини инобатга олган ҳолда ишга жалб этилмаган шерик жавобгарни ишда иштирок этиш учун ўз ташаббусига ёки тарафларнинг илтимосномасига кўра жалб қилишга ҳақли.

Мазкур модда талабларидан кўринадики, процессда биргаликда иштирок этувчи шахслар даъвогар ёки жавобгар тарафда биргаликда иштирок этиб, шерик даъвогар ёки шерик жавобгар сифатида қатнашади. Бунда шерик даъвогар ҳамда жавобгарларнинг мақсади битта предметга қаратилган бўлиб, бир тарафда яъни даъвогар ёки жавобгар тарафда бўладилар. Шу билан бирга, учинчи шахслар ҳам ишда биргаликда иштирок этиши мумкин бўлиб, бунда уларнинг процесдаги мақоми учинчи шахслар ҳисобланади.

Мазкур ҳолатда шерик даъвогар ҳамда учинчи шахсларнинг айрим ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларнинг процесдаги иштироки ва ҳуқуқларини фарқлаш муҳим ҳисобланади.

Шерик даъвогарлар судга бирга даъво тақдим этишлари ёки бошқа даъвогар томонидан бошланган процессга киришиши мумкин. Учинчи шахс эса эса фақат бошланган процессга киришади. Низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахснинг шерик даъвогарлардан муҳим фарқланувчи жиҳатларидан бири улар манфаатининг ўзаро қарама-қаршилигидир. Зоро, учинчи шахснинг ҳам, даъвогарнинг ҳам даъво предмети бир хилда бўлади ва суд уларнинг ёки жавобгарнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳал қилув қарори чиқариши мумкин. Низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахснинг даъвоси бўйича дастлабки даъвогар ва жавобгар ишда жавобгарнинг ҳолатини эгаллайди. Шерик даъвогарнинг талаби ҳар доим жавобгарга нисбата қаратилади [17].



## **2. Низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар**

Фуқаролик процессуал кодексининг 49-моддаси биринчи қисмига кўра, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, агар иш бўйича қабул қилинадиган ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан бўлган хукуқларига ёки мажбуриятларига таъсир этадиган бўлса, суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар даъвогар ёки жавобгар тарафида ишга киришиши мумкин. Улар тарафларнинг, прокурорнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномаси бўйича ёхуд суднинг ташаббуси билан ҳам ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин.

Учинчи шахсларнинг мазкур тури, биринчидан шартли равишда тарафларнинг бири (даъвогар ёки жавобгар) тарафида туриб иштирок этади. Иккинчидан, улар ўртасидаги хукуқий муносабат суд муҳокамасининг предмети бўлмайди.

Учинчидан, иш бўйича чиқариладиган ҳал қилув қарори учинчи шахсларнинг тарафларидан бирига нисбатан бўлган хукуқ ва мажбуриятларига таъсир қиласди.

Театр гардеробидан пальто йўқолган бўлса, гардероб хизматчиси томошабиннинг – пальто эгасининг театрга нисбатан йўқотган мулкнинг қийматини ундириш ҳақида судга тақдим этган даъво ишида иштирок этишдан манфаатдор ҳисобланади. Мазкур ҳолатда гардироб хизматчисининг манфаатдорлиги шу билан изоҳланадики, агар суд даъвогарнинг даъвосини қаноатлантирадиган бўлса, театр ўз навбатида, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув асосида пальто эгасига тўланган суммани гардероб хизматчисидан регресс даъво тақдим этиш орқали ундириб олиш мумкин.

Мазкур ҳолатда гардероб хизматчиси (учинчи шахс) процессда томошабинга (даъвогарга) ва театрга (жавобгарга) ҳеч қандай талабни илгари сургани йўқ. Унга нисбатан ҳам йўқолган пальтонинг қийматини ундириш ҳақида даъво талаби билдириш мумкин эмас. Чунки мазкур ишда тарафлар ўртасидаги низонинг предмети мулкни сақлаш ҳақидаги шартномадир ва ушбу шартнома томонлари театр ва томошабин ҳисобланади. Бироқ, бошқа шахслар томонидан бошланган процессда иштирок этиш баробарида гардероб хизматчиси (учинчи шахс) пальтонинг йўқолишида ўзининг айби йўқлигини исботловчи далилларни келтириш орқали ўзининг хукуқларини ҳимоя қилиши ва келажакда унга нисбатан бўладиган регресс даъвонинг қаноатлантирилиши



рад этилишига эришиш мумкин. Шундай қилиб ушбу турдаги учинчи шахсларнинг манфаатдорлиги низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар билан фарқланади [18].

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 1001-моддасига кўра, бошқа шахс (мехнат мажбуриятларини бажараётган ходим, транспорт воситасини бошқарувчи шахс ва ҳ.к) томонидан етказилган зарарни тўлаган шахс бу шахсга нисбатан, агар қонунда бошқача миқдор белгиланмаган бўлса, тўланган товоң миқдорида қайта талаб қилиш (регресс) ҳукуқига эга.

Демак, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар фуқаролик процессида кўрилаётган ишнинг предметига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларда тарафларнинг, прокурорнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномаси бўйича ёхуд суднинг ташаббуси билан ҳам ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. Бундай шахсларнинг жалб қилиниши, суд ишини ҳар томонлама ва тўлиқ кўриб чиқилиши билан бир қаторда кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган низони ҳам аниқлаб кўриб кетишидадир. Яъни юқоридаги мисолда кўрсатилганидек, унда тарафлар фақатгина иккита (даъвогар ва жавобгар) бўлиб, низонинг педмети аниқ ва унда даъвони қаноатлантириш ёки рад этиш мумкин. Бунда учинчи шахснинг иштирокининг асосий мақсади даъво предметига яъни пальтонинг ҳақиқатда йўқолганлиги ва унинг йўқолишига театрнинг жавобгарлиги масаласига аниқлик критиш бўлса, қўшимча равища ўз-ўзидан агар суд даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириб, жавобгарга мажбурият юклайдиган бўлса, жавобгар кейинчалик регресс тартибда учинчи шахсдан ундириш ёки ундирилганинг масаласи ҳам аниқ бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Фуқаролик процессуал кодексининг 49-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларига кўра, агар низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида даъвогарнинг ҳукуқлари бузилганлиги тўғрисида арз қилинган талабларни тан олган тақдирда, суд мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклатиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилишга ҳақли. Худди шундай ҳолларда, даъвогар ва мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ўртасида келишув битими ёки медиатив келишув тузилишига йўл қўйилади.

Агар низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ишга суд муҳокамаси бошлангандан сўнг киришган бўлса, ишни кўриш бошидан бошланади.



Демак, қонунчиликда агар ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларга даъвогарнинг даъво талаби учинчи шахс томонидан тан олинган бўлса, жавобгарлик ушбу учинчи шахсга юкланиши ҳам мумкин. Демак, юқоридаги мисолда келтирилган гардероб хизматчиси даъвогарнинг даъво талабини тан олган тақдирда жавобгарлик унинг зиммасига юкланиши мумкин.

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларни процессга жалб қилиш (киришиш)нинг юридик асосларидан бири регресс хуқуқининг рўй бериши ҳисобланади. Масалан, агар болалар таъминоти учун алимент ундириш ҳақида даъво тақдим этилган бўлиб, жавобгар бошқа никоҳдан туғилган фарзандларига алимент тўлаётганлиги аниқланса, у ҳолда фойдасига алимент ундирилаётган манфаатдор шахслар жавобгар томонида туриб ишда иштирок этувчи учинчи шахс сифатида жалб этилиши лозим. Мазкур ҳолатда учинчи шахснинг регресс хуқуқи юзага келмасада, бироқ агар даъво талаби қаноатлантирилгудек бўлса, у ҳолда бошқа никоҳда бўлган фарзандларга тўланаётган алимент миқдорига, яъни учинчи шахснинг манфаатларига таъсир кўрсатади [19]. Ваҳоланки, Оила кодексининг 99-моддасига асосан, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми; икки бола учун — учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оиласи мөнгалини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки қўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонунчилик билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Юридик адабиётларда низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар “тарафларнинг ҳамкорлиги” деб аталганлиги, бу эса ушбу шахсларнинг ишдаги иштирокининг ҳарактерини аниқ белгилаб бериши ҳақида фикрлар билдирилган [20].

Хусусан, М.Мамасидиковнинг фикрига кўра, мазкур шахслар тарафлар (даъвогар ёки жавобгар) дан қайси томонида туриб иштирок этса, унинг фойдасига ҳал қилув қарори чиқаришига қўмаклашади ва шу билан бир қаторда ўзининг қонуний манфаатларини ҳам ҳимоя қилишга эришади [21].



Ш.Ш.Шораҳметов ҳам мустақил талаблари бўлмаган учинчи шахс тарафлардан бирининг ёрдамчиси сифатида иштирок этиб, ўз ҳукуқини химоя қилиш мақсадида унга ёрдам беришини, учинчи шахс билан процессдаги тарафлардан бирининг манфаатларига фақат иш юзасидан қарор чиқарилгунча бир-бирига тўғри келиб, кейинчалик буларнинг манфаатлари бир-бирига зид келишини таъкидлайди [22]. Биз ҳам ушбу олимларни фикрига қўшилган ҳолда низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларни иштирокини “тарафларнинг ҳамкорлиги” деб атасимииз мумкин ва бундай турдаги учинчи шахслар тарафларнинг қайси томонидан ўша тарафнинг ишига аниқлик киритишда кўмаклашади деган фикрни беришимиз мумкин. Буни юқорида келтирилган театр гардероби хизматчисининг ишда иштирок этиши мисолида кўришимиз ҳам мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, қонунчиликда фуқаролик суд ишларини юритишда ишда иштирок этиувчи шахсларнинг ҳар бирининг процессдаги ўрни алоҳида мустаҳкамланган бўлиб, суд ишини қонуний, адолатли ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлашга хизмат қиласди. Шу билан бирга, учинчи шахслар ўз навбатида икки турга, яъни низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ҳамда низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларга бўлиниб, ҳар икки турдаги учинчи шахслар процессда ўзларига берилган ҳукуқ ва мажбуриятлардан фойдалани ва ишни тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишида иштирок этади ҳамда кўмаклашади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мамасиддиқов М.М. Мехнатга оид низоли ишларни судда кўришда учинчи шахслар иштироки // Ж. “Хўжалик ва ҳукуқ”. 2000. 7-сон. -Б. 28-32.
2. Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори. Профессор У.Таджихоновнинг умумий таҳририда. – Тошкент “Шарқ”. 2001 -294 б. Юридический энциклопедический словарь/ Под. общ. Ред. В.Е.Крутских. 3-е изд. прераб. и доп – М. ИНФРА-М. 2003. 399 б. Фуқаролик процессуал ҳукуки.
3. Фуқаролик процессуал ҳукуки. Дарслик. Муаллиқлар жамоаси. // Масъул муҳаррирлар: ю.ф.д. проф. М.Мамасиддиқов, ю.ф.д. проф. Д.Ю.Хабибуллаев. -Тошкент. “Lesson press”. Нашриёти. 2020. -607 б.
4. Фуқаролик процессуал ҳукуки. Дарслик. Муаллиқлар жамоаси. // Масъул муҳаррирлар: ю.ф.д. проф. М.Мамасиддиқов, ю.ф.д. проф. Д.Ю.Хабибуллаев. -Тошкент. “Lesson press”. Нашриёти. 2020. -607 б.



5. Гражданское процессуальное право. Учебник / С.А.Алехина, Б.Б.Блажев и др.; Под. ред. М.С.Шакарян -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -92 с.
6. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. -Тошкент. Адолат. 2001. -66 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. 44-моддаси иккинчи қисм. <https://lex.uz/uz/docs/3517337> .
8. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллиқлар жамоаси. // Масъул мухаррирлар: ю.ф.д. проф. М.Мамасидиков, ю.ф.д. проф. Д.Ю.Хабибуллаев. -Тошкент. "Lesson press". Нашриёти. 2020. -607 б.
9. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллиқлар жамоаси. // Масъул мухаррирлар: ю.ф.д. проф. М.Мамасидиков, ю.ф.д. проф. Д.Ю.Хабибуллаев. -Тошкент. "Lesson press". Нашриёти. 2020. -607 б.
10. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллиқлар жамоаси. // Масъул мухаррирлар: ю.ф.д. проф. М.Мамасидиков, ю.ф.д. проф. Д.Ю.Хабибуллаев. -Тошкент. "Lesson press". Нашриёти. 2020. -130 б.
11. Гражданское процессуальное право. Учебник / С.А.Алехина, Б.Б.Блажев и др.; Под. ред. М.С.Шакарян -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -92 с.
12. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллиқлар жамоаси. // Масъул мухаррирлар: ю.ф.д. проф. М.Мамасидиков, ю.ф.д. проф. Д.Ю.Хабибуллаев. -Тошкент. "Lesson press". Нашриёти. 2020. -131 б.
13. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. -Тошкент. Адолат. 2001. -67 б.
14. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллиқлар жамоаси. // Масъул мухаррирлар: ю.ф.д. проф. М.Мамасидиков, ю.ф.д. проф. Д.Ю.Хабибуллаев. -Тошкент. "Lesson press". Нашриёти. 2020. -132 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 25 октябрдаги 19-сонли «Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ажримлари тўғрисида»ги қарори. Тошкент ш., 2019 йил 25 октябрь, 19-сон. <https://old.lex.uz/docs/4597589#4599597>.
16. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллиқлар жамоаси. // Масъул мухаррирлар: ю.ф.д. проф. М.Мамасидиков, ю.ф.д. проф. Д.Ю.Хабибуллаев. -Тошкент. "Lesson press". Нашриёти. 2020. -132-133 б.
17. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллиқлар жамоаси. // Масъул мухаррирлар: ю.ф.д. проф. М.Мамасидиков, ю.ф.д. проф. Д.Ю.Хабибуллаев. -Тошкент. "Lesson press". Нашриёти. 2020. -132-133 б.



18. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллиқлар жамоаси. // Масъул мухаррирлар: ю.ф.д. проф. М.Мамасидиков, ю.ф.д. проф. Д.Ю.Хабибуллаев. -Тошкент. "Lesson press". Нашриёти. 2020. -132-135 б.
19. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллиқлар жамоаси. // Масъул мухаррирлар: ю.ф.д. проф. М.Мамасидиков, ю.ф.д. проф. Д.Ю.Хабибуллаев. -Тошкент. "Lesson press". Нашриёти. 2020. -135 б.
20. Гражданский процесс. Учебник. Отв. ред. В.В.Ярков. -М.: Волтерс Клювер, 2004. -71 с.
21. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллиқлар жамоаси. // Масъул мухаррирлар: ю.ф.д. проф. М.Мамасидиков, ю.ф.д. проф. Д.Ю.Хабибуллаев. -Тошкент. "Lesson press". Нашриёти. 2020. -135 б.
22. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. -Тошкент. Адолат. 2001. -70 б.

